



# E Conference World

**International Conference on Interdisciplinary Studies and Scientific Research**

Hosted online from Nottingham, UK

Date: 30th December, 2023

Website: <https://econferenceworld.org/index.php/ecw/index>

---

## **KOXLEAR IMPLANTLI BOLALARNING OTA-ONALARIGA**

### **YORDAM KO'RSATISH USULLARI**

Raximova Xurshidaxon Sadikovna

Qo'qon DPI "Inklyuziv ta'lim" kafedrası

mudiri dotsent, PhD

surdopedagog.akbarova@mail.ru

Abdullayeva Halimaxon

Marjabova Mohiraxon

Qo'qon DPI surdopedagogika yo'nalishi , 4 – bosqich talabalari

#### **Annotatsiya:**

Maqolada koxlear implantli bolalarning ota-onalariga yordam ko'rsatish usullari va olimlar tomonidan koxlear implantli bolalar bilan olib boriladigan korreksion-pedagogik ish tizimi yoritilgan.

**Kalit so'zlar:** nutq, implantli bola, L.S.Vigotskiy, surdopedagog, logoped, mutahassis, ota-ona, nutq o'ztirish

Эшитишдаги нуқсонлар катталарда учраганидай, илк ёшдаги болаларда ҳам етарлича кўп учрайди. Ота-она боласини эшитмаётганини пайқагандан сўнг гаранг холатга тушади, кейинчалик нима қилиши кераклигини билмайди. Кўп холатларда ота-оналар ушбу муаммога кўникадилар. Л.С.Виготский меёрда ривожланаётган болаларнинг шахсиятини шаклланиши хақида сўзлаганда, ушбу жараён маданий ва табиий



# E Conference World

**International Conference on Interdisciplinary Studies and Scientific Research**

Hosted online from Nottingham, UK

Date: 30th December, 2023

Website: <https://econferenceworld.org/index.php/ecw/index>

ривожланишнинг маданият босқичини ўсишига мос келади деб тушунтиради. Бу болани жамоа тажрибаларини эгаллаш, атрофидагиларнинг таъсир фаолияти таълим олиш давридаги секин-аста физиологик етилиши содир бўлади. Эшитишида нуқсонли бўлган “ногирон болаларда бундай ҳолат кузатилмайди”. Шунинг учун махсус коррекцион-тузатувчи ёрдамсиз шахсни тўлиқ ривожланмаслиги, “ижтимоий мослашувида” нуқсонига салбий таъсир этади.

Д. Льютеман қар болалар ота-оналарини ҳис-туйғуларининг қуйидаги ривожланиш босқичларини кўрсатадилар:

Биринчи босқич- шок. Ота-она ҳаётнинг зарбасидан гарангдир. Улар ҳеч нарсани тушунмайдилар. Улар хоҳлаган ягона хоҳиш бу қочиб кетиш ҳамда ҳеч қимми кўрмаслик.

Иккинчи босқич- тушуниш. Бу даврда ота-оналарни боланинг ташхиси, яъни уни эшитмаслиги, нутқни мустақил тушунмаслиги уларни кўрқитади. Учинчи босқич- “химоявий инкор этиш”. Уларга боласи эшитаётгандай, унга қўйилган “қарлик” ташхиси нотўғридай туюла бошлайди. Ушбу босқичнинг ҳавфли томони шундаки, баъзи ота-оналар болани ривожланишида зарурий бўлган, ўзларини қимматли вақтларини йўқотиб бир жойда тўхтаб қоладилар.

Тўртинчи босқич- қарликни қабул этиш. Бу босқичда улар мулоҳаза юрита бошлайдилар: “Ҳа бизнинг боламиз қар, энди бу ҳеч нарса қилиб бўлмайди. Бироқ биз уни бахтли ва яхши инсон сифатида ўсишига ҳаракат қилишимиз керак”.



# E Conference World

**International Conference on Interdisciplinary Studies and Scientific Research**

Hosted online from Nottingham, UK

Date: 30th December, 2023

**Website: <https://econferenceworld.org/index.php/ecw/index>**

---

Бешинчи босқич- эҳтиёжга кўра ҳаракатлар. Ота-оналарнинг ҳаётий баҳо, ҳаётий тарзларини ўзгартирадилар. Уларда янги муҳим мақсад - болани жамоада ҳар томонлама тўлиқ ўсиши ва шахс сифатида шаклланишидир.

Биринчи уч босқич ҳафта, ойларни ўз ичига олса, тўртинчи ва бешинчи босқич бутун ҳаётини эгаллайди.

Болани реабилитация жараёнига қанчалик улар тез киришиш, бу уни келажак жараёнига таъсир этади. И.В.Королева ўзининг ишларида ушбу категориядаги болаларни ота-оналарига ўз вақтида психологик ёрдамни бериш муҳим компонент эканлигини бир неча бор кўрсатиб ўтади. Агар уларга ушбу тўсиқлардан ўтишга ёрдам бериш ҳамда болани барча билиш кўникмаларини, айниқса эшитиши ва нутқини фаол равишда ривожлантиришни бошлаш ижобий натижаларни бериши мумкин.

Ушбу мақоланинг мақсади болаларни кохлеар имплантациясидан сўнг ота-оналарига махсус ёрдамнинг баъзи қирраларини кўриб чиқишдир.

Қар болаларни кохлеар имплантациядан сўнг реабилитацияси муаммоси бўйича адабиётлар анализи шуни кўрсатдики, ушбу муаммо юзасидан кўпгина олимлар: И.В.Королева, О.С.Жукова, И.В.Дмитриева, Г.В.Зонтова, И.А.Валькова, Е.П.Микшина ва бошқалар иш олиб борганлар.

Илк ёшда болаларни реабилитация бўйича мутахассисларнинг кўп йиллик тажрибасига кўра, илк ёшдаги (икки ёшгача) кохлеар имплантация, қар болаларни реабилитациясида юқори самара берувчи метод ҳисобланади. Кохлеар имплантациянинг самара бериши операциягача ва кейинги нутқ эшитув реабилитациясини ташкил этилишига тўлиқ боғлиқдир. Эрта қар бўлган болада нутқ эшитуви адекват йўқлиги, лекин кохлеар имплантация ёрдамида ҳаттоки паст товушларни эшитсада нутқни эгаллаш



# E Conference World

**International Conference on Interdisciplinary Studies and Scientific Research**

Hosted online from Nottingham, UK

Date: 30th December, 2023

**Website:** <https://econferenceworld.org/index.php/ecw/index>

қобилиятининг йўқлиги кузатилади. Пайдо бўлган эшитувни ривожлантириш ҳамда атрофидаги одамларни нутқини тушунишга қаратилган нутқ эшитув кўникмаларини ривожлантириш бўйича машғулотларни тўғри ташкил этилиши лозим, чунки бир-икки йил давомида нутқни эшитиб тушуниш қобилияти яхшиланиб боради. Ушбу тоифадаги болалар кейинчалик оммавий мактабларда таълим олиш имконига эга бўладилар, лекин тил бўйича қўшимча машғулотларга талаб сезадилар.

Бунда И.В.Королеванинг кўрсатишича, эшитишида нуқсони бўлган болаларни таълим-тарбияси унинг оиласи билан биргаликда узвий равишда олиб борилиши лозим. Марказ мутахассислари томонидан ота-оналарга яшаш жойи бўйича реабилитацияларни ташкил этишга ёрдамлашиш, ота-оналардан катта меҳнат, куч ва сабр талаб этилувчи кохлеар имплантацияли болалар билан олиб бориладиган ишларнинг тузилиши, мақсад, вазифалари ҳақида маълумотлар бериши лозим. Болаларни кохлеар имплантацияга ажратиш вақтидан бошлаб, ота-оналар билан ишлашни бошлаш лозим. Бу босқичда ота-она ва боланинг яқинларига кохлеар имплантация функцияси ҳақида тўлиқ маълумот беришни, кохлеар имплантация мосламаси ҳамда уни ишлаш принципи, бу жарроҳлик аралашуви эканлиги ҳақида маълумотлар беришни ўз ичига олади. Болани кохлеар имплантациясидан сўнг нутқ эшитув реабилитацияси шароитини муҳокама этиш муҳимдир:

- Бола сурдопедагог, логопед зарур бўлса психолог билан доимий равишда шуғуллана оладими;



# E Conference World

**International Conference on Interdisciplinary Studies and Scientific Research**

Hosted online from Nottingham, UK

Date: 30th December, 2023

Website: <https://econferenceworld.org/index.php/ecw/index>

---

- Болага нутқий муҳит шароитини ташкил этиш(логопедик ёки оммавий боғчага, эшитишида нуқсонли бўлган болалар боғчасида интеграция гуруҳларига бориши);
- Ота-онани ўз боласининг нутқи ва эшитишини ривожлантириш устида доимий равишда иш олиб бора оладиларми.
- Бундай билим тажрибаларига ҳамда махсус ёрдам беришга қодирмилар.
- Ота-оналарга бола билан қандай шуғулланиш, бола билан уйда шуғулланишга ёрдам берувчи адабиётлар тавсия этилади.

Методик кўрсатмалар шуни алоҳида такидлайдики, кохлеар имплантация процессорини ёқтиргандан сўнг ҳамда кейинги реабилитация даври вақтида боланинг ҳулқида ўзгаришлар кузатилишига ота-она ва яқинларини тайёрлаш лозим. Бошида бола товушларга эътибор бермаслиги, ўжар бўлиб қолиши, тез толиқиб қолиши мумкинлиги ҳақида ота-оналарни огохлантириш керак. Баъзи ҳолларда болани ота-онасига у билан ўзгача эшитишига таянган ҳолда мулоқот этишга ўргатишга тўғри келган. Бу даврда И.В.Королева видео тасмалар ҳамда ота-онани бола билан табиий ва таълимий шароитдаги мулоқоти, тўғри намуна бўлувчи бошқа ота-оналарни болалари билан бўлган видео тасмаларини кўриб анализ қилишлар ишда катта ёрдам беришини кўрсатган.

Болани интеллектуал ва нутқий ривожланишида юқори натижаларга эришишида кохлеар имплантациядан сўнг болаларга методик-дастур асосида таълим бериш катта аҳамиятга эга. Шунингдек, И.В.Королева реабилитацион ишда ота-оналарни нутқий идрокни ривожлантириш ҳамда



# E Conference World

**International Conference on Interdisciplinary Studies and Scientific Research**

Hosted online from Nottingham, UK

Date: 30th December, 2023

**Website: <https://econferenceworld.org/index.php/ecw/index>**

---

талаффузга ўргатиш махсус усул ва воситаларини эгаллашларига катта эътибор қаратади.

Амалиётни кўрсатишича, кўпгина ота-оналар болани эшитув қолдиғини ривожлантириш бўйича ишларни яхши олиб борадилар, бироқ нутқни талаффуз томонини шакллантиришда қийинчиликларга дуч келадилар. Ушбу қийинчиликларни бартараф этишда шифокор –логопед, сурдопедагог, психологлар қуйидагиларни амалга ошириши лозим:

- ота-оналарга эшитиш нуқсонини даволаш бўйича воситалари бўйича, йўқотилган эшитувини эшитиш аппарати ёки кохлеар имплантация ёрдамида компенсациялашнинг замонавий имкониятлари ҳақида максимал маълумотлар бериш;
- болани атрофидаги одамларни тушуниш ва эшитиш имкониятини чегараланганлигини инобатга олган ҳолда ота-онани у билан мулоқот қилишга ўргатиш;
- ота-оналарни бола билан мустақил ва тизимли равишда шуғулланишга ўргатиш;
- эрта эшитув протезларини муҳимлигини аниқлаштириш, кохлеар имплантация ёки ижтимоий адаптациясини кучайтириш ва иш қобилиятларини назорат этишга ўргатиш;
- ота-оналарга бола билан олиб бориладиган сурдопедагогнинг машғулотлари ва ўзларининг машғулотлари, кохлеар имплантациядан фойдаланиш натижалари дарров кўринмаслиги, уларни сабрли бўлишлари лозимлигини тушунтириш керак;



# E Conference World

**International Conference on Interdisciplinary Studies and Scientific Research**

Hosted online from Nottingham, UK

Date: 30th December, 2023

Website: <https://econferenceworld.org/index.php/ecw/index>

- ота-оналарга шундай муаммоси бўлган, боласи билан фаол шуғулланган, маслаҳатлари билан қўллаб қувватлай оладиган бошқа ота-оналар билан мулоқот қилиш имконини бериш лозим;

- кар болани қандай бўлса уни шундайлигича қабул этиш, уни хар бир эришган ютуқларидан хурсанд бўлиш ота-оналарга ёрдам беради.

И.В.Королеванинг қўлланмаларида кохлеар имплантацияли болаларни нутқи ва эшитишини уй шароитида ривожлантириш бўйича тавсиялари кенг очиб берилган.

Кўрсатилган машқлар сурдопедагог ёки логопед томонидан бола ва унинг яқинлари билан ўзаро машғулотлари давомида фойдаланиш мумкин. Тажрибаларнинг кўрсатишича, кўпгина ота-оналар бола билан олиб бориладиган энг оддий харакатларни кўриб ўрганишга мухтождирлар. Бундай холларда улар сурдопедагогга мурожат эта оладилар, у эса кўрсатилган машқларни тушунтиради, керак бўлса кўрсатиб беради. Бирок шуни ёдда тутиш лозимки, хар бир бола учун ушбу муаммо индивидуал равишда хал этилиши керак. Барча методик тавсиялар беш банддан иборат бўлиб, уларнинг тузилишини қуйидагича қисқа изоҳлаш мумкин:

- 1) Болани эшитувдан фойдаланишни ўргатиш.
  - болага эшикни тақиллашиши эшитиш ва уни танишга ўргатиш.
  - болага оқаётган сувнинг овозини эшитиш ва уни танишга ўргатиш.
  - йўталган овозини эшитиш ва уни танишга ўргатиш.
- 2) Хозирча сизни хар доим хам эшитмайдиган хамда тушумайдиган бола билан мулоқот ўрнатиш.

- У менга нима демоқчи эканини қандай тушуниш керак?



# E Conference World

**International Conference on Interdisciplinary Studies and Scientific Research**

Hosted online from Nottingham, UK

Date: 30th December, 2023

Website: <https://econferenceworld.org/index.php/ecw/index>

---

3) Болани нутқни тушуниш, эшитиш ва сўзлашиш кўникмаларини ривожлантириш бўйича машқ, ўйин ва вазиятлар, яъни:

- Болани эшитишга ўргатиш
- Биринчи сўзларни тушунишга ўргатиш
- Товушни топишга ўргатиш
- Масофадан товушни излашга ўргатиш
- Турли баландлик ва суръатдаги атроф муҳит товушларини танишга ва фарқлашга ўргатиш
- Нутқни эшитиш ва гапиришга ўргатиш
- Овозини бошқаришга ўргатиш
- Нутқий нафасини ривожлантириш
- Товушларни тақлид қилишга ҳамда идрок эттишга ўргатиш
- Кундалик маиший ҳолатларда нутқдан фойдаланишга ўргатиш

4) Уйда ўраб турган предметлардан кичик ёшдаги болаларга таълим беришда фойдаланиш мумкин.

Шундай қилиб, болаларни кохлеар имплантациясидан сўнг ота-оналарга махсус ёрдамнинг баъзи жиҳатларини кўриб чиқиб биз юқорида кўрсатиб ўтилган методик тавсиялар ота-оналарга болани оилади таълим-тарбияси муаммоларини ҳал этишда ёрдам беради деб ҳисоблаймиз

## **Адабиёт**

1. Баенская Е.Р. Помощь в воспитании детей с особым эмоциональным развитием (ранний возраст) / Е.Р. Баенская. – М.: Тенериф, 2007 – 112 с.
2. Королева И.В. Кохлеарная имплантация глухих детей и взрослых (электродное протезирование слуха). – СПб.: КАРО, 2008. – 752 с.: ил.



# E Conference World

**International Conference on Interdisciplinary Studies and Scientific Research**

Hosted online from Nottingham, UK

Date: 30th December, 2023

Website: <https://econferenceworld.org/index.php/ecw/index>

---

3. Sadikovna, Rakhimova Khurshidahon. "Objectives and tasks of cochlear implantation." *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal* 12.4 (2022): 671-675.
4. Sodikovna, Rakhimova Khurshidahon. "Preparation of preschool children with cochlear implants for independent learning." *European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences* 8.8 (2020): 159-161.
5. Sodikovna, Rakhimova Khurshidahon. "Use Of Innovative Technologies In The Formation Of Speech Skills In Children With Hearing Disabilities." *Euro-Asia Conferences*. Vol. 1. No. 1. 2021.
6. Shahnigor, Rakhimova Khurshidakhon Sadikovna Khomidova. "FORMATION OF KNOWLEDGE, SKILLS AND COMPETENCES IN THE PROCESS OF TRAINING CHILDREN WITH HEARING DEFECTS TO WORK." *Confrencea* 3.03 (2023): 188-192.
7. Sadikovna, Rakhimova Khurshidakhon. "COCHLEAR IMPLANTATION: AN INNOVATION IN THE DEVELOPMENT OF TECHNOLOGY, MEDICINE, DEAF PEDAGOGY AND SPEECH THERAPY." *Open Access Repository* 4.2 (2023): 321-330.
8. Sadikovna, Rakhimova Khurshidakhon, and Rustamova Feruzabanu. "CONTRIBUTION OF CHARLES MIKHAIL EPE TO THE EDUCATION OF DEAF CHILDREN." *Galaxy International Interdisciplinary Research Journal* 11.3 (2023): 563-566.
9. O'ghiloy, Rakhimova Khurshidakhon Sadikovna Kurbanuva. "CHILDREN WITH LOCAL MOVEMENT DEFECTS." *Confrencea* 3.03 (2023): 226-230.



# E Conference World

**International Conference on Interdisciplinary Studies and Scientific Research**

Hosted online from Nottingham, UK

Date: 30th December, 2023

Website: <https://econferenceworld.org/index.php/ecw/index>

---

10. Raximova, Xurshidaxon. "NATIONAL AND FOREIGN ADVANCED TRENDS IN HIGHER EDUCATION EFFICIENCY IMPROVEMENT." *JOURNAL OF NORTHEASTERN UNIVERSITY* (2022).
11. Sadikovna, PhD Rakhimova Khurshidakhan, and Nabiyeva Umidakhan. "ORGANIZING SOCIAL WORK ACTIVITIES OF STUDENTS WITH HEARING PROBLEMS." (2023).
12. Sadikovna, PhD Rakhimova Khurshidakhan, and Odilova Rislig'oy. "PROBLEMS OF PREPARING HIGH SCHOOL STUDENTS WITH HEARING DEFECTS FOR FAMILY LIFE." (2023).
13. Sadikovna, PhD Rakhimova Khurshidakhan, and Sharafuddinova Zuhra. "FORMATION OF MATHEMATICAL CONCEPTS OF CHILDREN WITH HEARING DEFECT USING INNOVATIVE TECHNOLOGIES." (2023).
14. Komiljon, Raximova Xurshidaxon Sadikovna Sattarova Kamola. "PEDAGOGICAL AND EDUCATIONAL SYSTEM OF EDWARD SEGEN IN SPECIAL PEDAGOGY." *Confrencea* 3.03 (2023): 63-67.
15. Sadikovna, Rakhimova Khurshidakhan. "CORRECTIONAL AND PEDAGOGICAL WORK SYSTEM OF AUDITORY-SPEECH REHABILITATION OF CHILDREN WITH COCHLEAR IMPLANTS." *International Journal of Early Childhood Special Education* 14.6 (2022).
16. Oppoqxo'jayev, Xojixuja, and Faxriddin To'ychiboyev. "MAXSUS EHTIYOJLI BOLALARNING TA'LIM-TARBIYASIDAGI TENG HUQUQLILIK MUAMMOSINI HAL ETISHDA INKLYUZIV TA'LIMNI AHAMIYATI." *Инновационные исследования в науке* 2.5 (2023): 27-33.



# E Conference World

**International Conference on Interdisciplinary Studies and Scientific Research**

Hosted online from Nottingham, UK

Date: 30th December, 2023

Website: <https://econferenceworld.org/index.php/ecw/index>

---

17. Madinakhan, Makhmudova, and Abduvahobova Irodakhan. "PECULIARITIES IN THE DEVELOPMENT OF PRESCHOOL CHILDREN WITH MENTAL RETARDATION." (2023).
18. Feruza, Teshabaeva, Mahmudova Madina, and Yuldasheva Dilbar. "The essence of inclusive education in developed countries." *European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences Vol 8.1* (2020).
19. Sobirkhanovna, Makhmudova Madinakhan, and Akhmedova Vazirakhan. "EFFECTIVE ORGANIZATION OF CORRECTIONAL-LOGOPEDIC WORK IN CHILDREN WITH CEREBRAL PALSY." *Open Access Repository 4.3* (2023): 134-141.
20. Teshaboeva, Feruza Raximovna. "Literacy education of speech impaired children as a pedagogical psychological problem." *Confrencea 5.05* (2023): 299-302.
21. Shukhratovich, Makhmudov Khurshid, and Isodullayeva Iqboloy. "PHYSIOLOGICAL FOUNDATIONS OF SPEECH ACTIVITY." *Open Access Repository 4.3* (2023): 765-771.
22. Махмудова, Мадинахон Махмудов Хуршид. "Мақтабгача тарбия ёшидаги болаларни ёзиш ва ўқиш кўникмаларини эгаллашга тайёрлаш." *Confrencea 4.04* (2023): 187-192.
23. Эркабоева, Нигора, et al. "Педагогик маҳорат: схема ва расмларда." *Т.: "Наврўз* (2012).
24. Erkaboeva, N., et al. "Pedagogical skills: in diagrams and pictures: Methodical manual." *Tashkent: TDPU named after Nizami 14* (2012).
25. Эркабоева, Нигора Шерматовна. "ОСОБЕННОСТИ СОВРЕМЕННЫХ УЗБЕКСКИХ СЕМЕЙ." *Ученый XXI века 4-1* (2016).



# E Conference World

**International Conference on Interdisciplinary Studies and Scientific Research**

Hosted online from Nottingham, UK

Date: 30th December, 2023

Website: <https://econferenceworld.org/index.php/ecw/index>

---

26. Xolmatova, Z. A. "Methods Of Organization Of Project Activities In Future Teachers On The Basis Of Tutoring Skills." *European Journal of Life Safety and Stability* (2660-9630) 7 (2021): 103-106.
27. Исакова, Арофат Махкамовна, and Юлдузхон Ахадовна Шакирова. "САМОПОНИМАНИЕ РЕБЕНКА В СИСТЕМЕ СЕМЕЙНЫХ ОТНОШЕНИЙ." *Интернаука* 19-2 (2020): 42-44.
28. Mahkamovna, Isaqova Arofat. "STAGES OF REJECTION OF INNOVATIVE PROCESSES IN EDUCATION." *ASIA PACIFIC JOURNAL OF MARKETING & MANAGEMENT REVIEW* ISSN: 2319-2836 Impact Factor: 7.603 11.11 (2022): 74-76.
29. To‘xtasinova, Munira Ibragimovna, and Maftuna Dadajon qizi Po‘latova. "XALQARO BAHOLASH DASTURLARI (PIRLS) NING O‘QUVCHILAR SAVODXONLIGINI OSHIRISHDAGI AHAMIYATI." *INTERNATIONAL CONFERENCES*. Vol. 1. No. 19. 2022.
30. Ibragimovna, Tuhtasinova Munira. "SCIENTIFIC-THEORETICAL AND PRACTICAL BASIS OF IMPROVING THE MECHANISMS OF USING INTERNATIONAL ASSESSMENT PROGRAMS FOR INCREASING EDUCATIONAL EFFICIENCY (BASED ON THE PIRLS INTERNATIONAL ASSESSMENT PROGRAM)." (2022).